



ҒАЗАЛЛАР ТАРЖИМАСИДА МУСИҚИЙЛИКНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ МАСАЛАСИ

(Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазаллари мисолида)

*Динора Туребаева,
ЎзДЖТУ 2-босқич магистранти.
Илмий раҳбар: Бегойим Холбекова*

Шарқ шеърлятида мусиқийлик — бу нафақат шеърлий шакл ва вазн билан боғлиқ тушунча, балки шеърнинг ички ритми, оҳангдошлиги, сўзлар ва образлар уйғунлигидир. Ғазал жанрида бу хусусиятлар янада чуқурроқ намоён бўлади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазалларида ҳам мусиқийлик шеърлятнинг ажралмас қисми сифатида кўзга ташланади. Аммо таржима жараёнида мусиқийликни аслиятдаги даражада сақлаб қолиш ғоят мураккаб иш бўлиб, бу таржимон олдида қўйиладиган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Мусиқийликни ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улардан бири лингвистик ва стилистик хусусиятлардир.

Ғазаллар мусиқийлиги асосан қофия, радиф, тажнис ва ритм воситасида амалга оширилади. Бобур ғазалларида қофия ва радифнинг уйғунлиги, сўзларнинг кўп маънолилиги орқали ҳосил бўлган мусиқийлик таржимада акс эттирилиши лозим. Бундай шеърлар таржимасида ўзбек тилидаги мусиқийликни бошқа тилга мослаштириш учун таржимон мазкур тилнинг ўзига хос товуш тизими ва интонациясини ҳисобга олиши зарур бўлади. Таржима жараёнида мусиқийликни асосан қуйидаги усуллар ёрдамида қайта тиклаш мумкин:

1. Қофия ва ритмни мослаштириш

Бобур ғазалларида қофия тизими ва вазн жуда аниқ ва қатъийдир. Таржимада қофияни сақлаб қолиш муҳим, аммо ҳар доим ҳам бу вазифа қийинчиликларсиз амалга ошмайди. Шунинг учун таржимон бадий эркинлик билан иш тутиб, қофия тизимини мослаштириши мумкин, шу билан бирга аслиятда мавжуд бўлган мусиқийликни сақлашга ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқ.

2. Радифни таржимада сақлаш

Ғазал радифлари таржимага алоҳида аҳамият касб этади. Радиф, кўпинча, муайян сўз ёки иборанинг шеър давомида такрорланишидан иборат бўлиб, мусиқийликнинг асосий унсурларидан бири ҳисобланади. Таржимада радифни ўзгартирмасдан келтириш мушкул, лекин таржимон ўзгармас ибора ўрнига, унга маъно жиҳатдан энг яқин мусиқий ифодани танлаши мумкин.

3. Фонетик уйғунликни яратиш

Ғазал мусиқийлиги кўпинча сўзлар фонетик уйғунлигига асосланади. Бобур ғазалларида товушларнинг оҳангдошлиги таржимага ўзгача оҳанг ва гўзаллик бахш этади. Таржимон бу фонетик уйғунликни сақлаш орқали оригинал шеърдаги ҳиссиёт ва кайфиятни қайта тиклаши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун таржимон товуш ва интонациянинг таржима тилидаги имкониятларидан максимал даражада фойдаланиши лозим. Келинг, яхшиси бу

борада Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазалларидан бирининг аслият варианты ва инглизча таржимасини кўриб чиқсак:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Жонимдек ўзга жонни дилафгор кўрмадим,
Кўнглим киби кўнгулни гирифтор топмадим.

Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

Faithful more than my soul, I couldn't find,
Confident more than my heart, I couldn't find.

Never seen sorrowful no more than my soul,
Sufferer from love like my heart, I couldn't find.

I lusted after those playful eyes, but
This insane soberer more I couldn't find.

Бегойим Холбекова таржимаси

Бу ғазал буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомизнинг энг сара ғазалларидан бири бўлиб, "Топмадим" радифи билан ёзилган. Бу ғазал унинг ижтимоий, фалсафий ва лирик кайфиятини акс эттиради. Ушбу ғазалда шоир, аввало, ҳаётдаги ютуқлар ва ютқазилар, орзуларга эришолмаслик, муҳаббат ва вафо мавзуларига урғу беради. "Топмадим" радифи орқали Бобур, ҳаётда ўзи интилиб келган кўп нарсаларни тополмаганини, орзуларининг амалга ошмаслигини кўрсатади. Бу нафақат шахсий ҳаётидаги ютқазилар, балки кенгроқ фалсафий мазмунга эга бўлиб, инсоннинг ҳаётдаги доимий интилишлари ва уларга тўлиқ эришолмаслиги ҳақидаги тўхтамдир.

Ғазалда муҳаббат мавзуси ҳам муҳим ўрин тутди. Шоир ўзининг муҳаббатга бўлган орзулари ва унинг ҳақиқий эканлигини излашдаги муваффақиятсизликларини тасвирлайди. Орзу қилган кишилари вафосиз, садоқатсиз эканлигидан изтироб чекади.

Бобурнинг шеъриятида мавжуд бўлган яна бир муҳим мотив — ҳаётнинг ўткинчилиги. Бу ғазалда ҳам инсоннинг ҳаётида вақтнинг тез ўтиши, ёшликнинг ўтиб кетиши ва умрнинг қисқалиги таъкидланади.

Бобур бу ғазалида ўз халқи, давлатчилиги ва ижтимоий ҳаёт ҳақида ҳам қайғуради. Унинг "топмадим" дейиши фақат шахсий эмас, балки умуман одамларнинг адолат, тинчлик ва фаровонликка бўлган интилишларига ҳам алоқадордир. Мазкур ғазалда Бобурнинг шахсий ҳаёти ва ижтимоий ғам-қайғуларини ифодаловчи фалсафий ва лирик кечинмалар бор. Таржимон



ғазалдаги мазмун-моҳиятни, шоирнинг кечинмалари ва муסיқийликни таржимада тўлалигича қайта яратиш учун масалага ижодий ёндашган.

Хулоса қилиб айтганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазалларидаги муסיқийликни таржимада қайта тиклаш масаласи нафақат таржимоннинг тил билимларига, балки унинг интуициясига, бадий маҳоратига ҳам боғлиқ. Таржимон аслиятдаги муסיқийликни сақлаб қолишга интилиб, ўз асарига хос бўлган муסיқий уйғунликни яратиши, оригинал шеърдаги оҳанг ва кайфиятни ўқувчига етказиши керак. Таржима жараёнида муסיқийликни қайта тиклаш бадий таржиманинг муҳим шартларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bobur. Yoz fasli yor fasli. Gafur Gulom nashriyoti. Toshkent 2016.
2. A.Хожиаҳмедов. Мумтоз Бадиият Луғати. Т. 2020.
3. Б. Холбекова. Мафтункор шеърят. Филология масалалари 2024.